



## МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ ҲАДИСЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ ВА ҲОЗИРГИ ВАҚТДАГИ ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНИ

**Разов Б.**

*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий  
институтини Қорақалпоғистон филиали  
мустақил изланувчиси*

**Таянч сўзлар:** педагогик жараён, ҳадисларнинг ёшлар тарбиясидаги тутган ўрни, шахс, таълим, Муҳаммад алайҳиссалом, босқич, кадрлар тайёрлаш, жамият.

**Ключевые слова:** педагогический процесс, роль хадисов в воспитании молодежи, личность, образование, пророк Мухаммад, этап, подготовка кадров, общество.

**Key words:** pedagogical process, the role of hadith in the education of youth, personality, education, Prophet Muhammad, stage, training of personnel, society.

### **РЕЗЮМЕ:**

Ушбу мақолада Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларининг ёшлар тарбиясидаги тутган ўрни ва ҳозирги вақтдаги педагогик жараёни масалалари ўганилган.

### **РЕЗЮМЕ:**

В данной статье рассматривается роль хадисов пророка Мухаммада в воспитании молодежи и вопросы их педагогического процесса в сегодняшнего дня.

### **SUMMARY:**

This article examines the role of the hadiths of the Prophet Muhammad in the education of youth and issues of their pedagogical process today.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида турган жамиятимиз ҳозирги кунда малакали кадрларни тайёрлаш жараёни янада такомиллаштириш муаммосини куймоқда. Шу муносабат билан олий таълим тизими олдида жамият учун фақат чуқур билимли, муайян мутахассислик малакаларини чуқур эгаллаган шахсларнигина эмас, балки айни вақтда давр талабларига жавоб бера оладиган, юксак инсоний фазилатларга ҳамда чуқур касб соҳиби ва унинг фидойиси, халқига содик, жамиятда фуқаролик касб ва масъулиятини яхши англаган, ҳаётда ва иш фаолиятида ўз ўрнини топа оладиган, ўз Ватанининг келажаги ва равнақи учун хизмат қила олади-

ган ҳақиқий рақобатбардош, маданиятли шахс-мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифасини адо этишни талаб этади.

Таълим, комил тарбиянинг бир жузъидир. У эса ақлни ривожлантиради ва сайқаллаштиради. Натижада у ўз ҳаётида керак бўладиган илму маърифатни, ашёлар тўғрисидаги турли маълумотларни, касбий маҳоратини ёки касб-хунарларга тегишли бўлган фанларни ўрганади. Лекин тарбияга ўхшаб кенг қамровли бўлаолмайди. Чунки таълим инсонни рухий, ақлий ва жисмоний тарафларини бирдек қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия доимо бирга бўлиши талаб этилади.

Ҳасан Басрий айтидилар: “Кимники одоби бўлмаса, унинг илми йўқ”. Уларнинг бу сўзлари, инсон қанча илмга эга бўлмасин, агар унда одоб бўлмаса ўша инсонни илмига эътибор йўқ деганидир.

Ҳикматларда: “Одоб бамисоли бир дарахт. Илм эса ундаги бир мева. Агар дарахт бўлмаса, мева қаердан ҳам бўлсин”, деб айтилиши ҳам бежиз эмасдир. Агар аҳамият берилса ҳикматларда аввало тарбия кейин таълим ҳақида сўз боради. Тарбия энг аввал оиладан бошланишини ҳисобга олсак, инсон ҳаётида таълим ва тарбия олиш масаласида ота-она масъулдир.

Таълим-тарбиянинг ўртасида очиқ-ойдин фарқ бор. Таълим, тарбиянинг бир жузъи. Тарбия эса таълимни ўз ичига олади, аксинча эмас. Демак, тарбия ўз-ўзидан таълимга нисбатан комил ва кенг қамровлидир. Исломий тарбиянинг маъноси эса жамиятда ҳар тарафлама комил инсон шахсиятини барпо қилиш ва албатта, бу тарбия рухий, ақлий ва жисмоний тарафларни ўз ичига олади. Зотан, Аллоҳ таоло инсониятни ер юзини обод қилиш учун яратган. Демак, у ўзининг вазифаларини адо этиши учун ҳар тарафлама комил ва етук бўлиши керак. Бунинг учун эса бизнинг динимиз Исломда барча кўрсатма ва имкониятлар мавжуд. Энг асосийси, инсон ўзининг олдига қўйилган вазифаларни бажариш асносида доимий ҳолда Аллоҳга юзланиб туриши тарбиядир.

Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳар бирингиз бошлиқсиз ва ҳар бирингиз қўл остидагиларингиздан сўраласиз”, деб марҳамат қиладилар.

Фарзанд кўз очиб кўрдибдики, ота-она унинг ёнида, доим у билан биргаликда. Агар ота-она илмли ва тарбияли бўлса, бу фазилат ўз-ўзидан фарзандга ўтади. Агар ота-онада тарбия, одоб бўлмаса, маданият бўлмаса, албатта буни фарзанддан ҳам кутиш қийин. Шунинг учун ҳам баъзи руҳшунослар: “Сен фарзандингни тарбия қилма, ўзингни тарбия қил, шунда фарзандинг тарбияли бўлади”, дейишган.

Инсонда одоб ва тарбия бўлмаса таълим олиш масаласи жуда қийин. Агар илм бўлса-ю одоб, тарбия бўлмаса, у дунёда энг хафвли ва хатарли



инсон ҳисобланади. Чунки у инсонлар бошига турли кулфат ва балоларни келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам динимизда энг аввало тарбияга катта эътибор қаратилади. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Мен яхши ахлоқларни камолига етказиш учун Пайғамбар қилиб юборилганман” дедилар”, дейилади.

Ҳозирда баъзи жойларда бўлаётган хунрезликлар, ёшлар ва аёллар томонидан содир бўлаётган жиноятлар, тўс-тўполонлар бугун бутун дунёни ташвишга соляпти. Бунга сабаб уларнинг ота-оналари фарзандларини тарбияси билан машғул бўлмагани, уларни ўз ҳолларига ташлаб, эътиборсиз қолдирганликдандир. Мисол тариқасида оммавий маданиятни тарғиб қилгучи маданиятсиз, тарбиясиз ёшларни оламизми ёки бўлмаса турли оқимларга аъзо бўлиб, ёт ғояларни қўллаб-қувватлаётган, ўз юрти ва халқига, ақидаси-ю, ўз мазҳабига, миллий қадрияти-ю анъаналарига қарши чиқаётган, ўз халқи орасида турли низо ва бўҳтонларни тарқатишга ҳаракат қилаётган ёшларни келтирамизми, буларнинг ҳаммаси улардаги тарбия ва одоб тушунчалари етишмаслигидандир.

Яна шунни айтиш мумкинки, агар ота-она ўша фарзандларини ёшлигида-ноқ тарбияси билан машғул бўлиб, яратилаётган имконият ва шароитлардан унумли фойдаланса, таълим-тарбияни ўз вақтида берганда, ёшларимиз шундай ёмон ҳолатларга тушиб, ёшликларини бадном қилмаган, балки ўз юртига муносиб, ажодларига ҳақиқий ворис бўлишар эдилар.

Ҳозирги ахборот дунёси бир-бири билан қоришиб кетган “глобаллашув” деб аталган давримизда фарзандларимизга яхшини ёмондан, оқни қорадан ажрата олишга ўргатиш, аввало ота-она ва мактабдаги устоз педагоглар олдидан турган энг муҳим вазифадир.

XXI аср бошларида техника ва технологиялар тезкор ривожланиб, улар таълим тизимига ҳам кенг қўлланиладиган бўлди. Натижада тезкор ва масофавий маълумот алмашинувига имкони туғилиб, масофавий таълим – алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқа бошлади. Смартфон-гажет каби қурилмалардан фойдаланишнинг оммалашуви эса ижобий жиҳати билан бирга ёшларда ижтимоий тармоқ, виртуал ўйинларга тобелик ҳолатларини келтириб чиқарди.

Бу “касаллик” мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Ижтимоий тармоқлардаги беодоб видеолар ёшларимиз ахлоқини бузди. Ахлоқсизлик оммалашуви оқибатида вужудга келган вазият туфайли ўрта-махсус таълим тизимида ҳам муаммолар келиб чиқа бошлади.

“Илмий манбаларга қараганда инсон шахси уч фактор таъсирида таркиб топади. Улардан биринчиси, одам туғилиб ўсадиган ташқи ижтимоий

мухитнинг таъсири бўлса, иккинчиси, одамга узоқ муддат давомида системали бериладиган ижтимоий таълим-тарбиянинг таъсиридир ва ниҳоят, учинчиси одамга наслий йўл билан берадиган ирсий омилларнинг таъсиридир”. Ташқи ижтимоий мухитдаги салбий ҳолатлар оқибатида таълим-тарбияда давомийлик узилиб, тарбия тизими оқсаб қолиши муаммоли вазиятларни келтириб чиқарди. Балоғат ёшидаги ўқувчиларнинг психологик кризис ҳолати туфайли янги мухитга адаптациянинг оғир кечиши натижасида ўзаро низолар, баъзан эса ҳатто, ўқитувчилар билан беодоб муомала қилиш ҳолатлари содир бўлди. Бу одобсизликлар аниқ чоралар кўришни талаб этарди.

Зеро, “Болани мактабга беришдан .... асл мақсад фарзандингиз тарбиясидир”. Беодобликларнинг олдини олиш мақсадида ота-оналар билан мунтазам алоқани тиклашга бўлган уринишлар аксарият ўқувчи-ёшларнинг ўрта-махсус ўқув муассасаларидан узоқда яшаши сабабидан бесамар кетди. Баъзи ота-оналарнинг беэтиборлиги туфайли одобсиз ўқувчи-ёшлар тарбиясига оиласи орқали таъсир этиш услуби ҳам ижобий натижа бермади. Ўқувчиларга психологик ёндаша олмаган ўқитувчиларнинг муомаласи дағаллашди. Ахлоқсизлик оммалашувини тўсувчи тартиб қоидалар, чекловлар кучайтирилди.

Ибн Халдун ёзади: “Таълим ва тарбия жараёнида сиз боланинг ҳаракатларини қатъий чегараламанг, уларга жаҳл ва зулм қилманг. Қайси шогирд зулм ва қаҳр билан тарбия топса, хотираси тарқоқ бўлиб, шодлиги ва сурури йўқолади, хотира паришонлиги ва ғамгин қалби туфайли билим миясига ҳам кирмайди. Ғамгин, ҳафсаласиз одам, заиф, суст бўлади. Ўз муаллимидан зарар ва жабр кўрган шогирд ёлғончи, риёкор, хийлагар ва фикри бузук бўлади. Чунки муаллимидан кўрқиб, юрагида аланга қолмайди. Натижада мактабдан қочади.

Халос бўлиш учун минг баҳона топади. Баъзан мактабга келса ҳам, ўқитувчи назаридан ўзининг ёмонлигини яшириш учун иккиюзламачилик қилади.

Тўғриси айтмасдан ёлғон ишлатади. Бориб-бориб у ёлғони, найранглари, риёкорлиги табиатига сингиб, болани ахлокий фазилатлардан маҳрум этади. Ўз устозидан лат еган, зулм кўрган шогирд кўрқоқ ва журъатсиз бўлади, мазлумликка ўрганиб, ўзини ҳимоя қила олмайди, одамнинг олий фазилатларидан бири бўлган ҳиммат таянчидан маҳрум бўлади!”

Юқорида санаб ўтилган обектив ва субъектив сабаблар натижасида, ёшлар феълатворида Ибн Халдун қайд этган салбий натижалар кузатила бошлади. Ўсмирёшлар жинояти ортди. Ўрта-махсус таълим муассасалари-



ни тамомлаган ўқувчиёшларнинг билим савиялари ўта пасайиб кетгани, оддий иншони ҳам ёза олмасдан мулзам бўлган ҳоллари кузатилди.

Вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, ўн бир йиллик мактаб таълими қайта тикланди. Бошланғич синфидан бирга ўқиганлар 10-11-синфларда ҳам ўқишни давом эттирадиган бўлди. Бу ўқувчи-ёшларни тарбиялашда оила билан мактабнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш имконини оширди. Коллежицейдаги каби турли мактаб ўқувчилари ўзаро комуникация – муносабатни йўлга қўйишдаги низоларнинг келиб чиқиш сабаблари камайди. Аммо, ҳолатнинг ижтимоий-психологик мўтадиллашувиги кифоя қилинмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” №422-сон Қарори қабул қилинди. Унга асосан “Тарбия” дарслиги “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирди. Дарсликларни тайёрлашда Япониянинг “Ахлоқ таълими”, Сингапурнинг “Феъл-атвор ва фуқаролик таълими”, Буюк Британиянинг “Тафаккур”, “Хулқ таълими” фанлари ва дарсликлари яқиндан ўрганилди. “Тарбия” фанини ўқитишда узвийлик ва ҳар бир босқичнинг мақсади аниқ ва равшан белгаланди. Тарбия фани ҳар бир ўқувчининг ўзига ҳослиги, унинг иқтидорини аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилди.

Аслида, Мовароуннаҳр ҳудудида тарбия масаласи азалдан кадрланиб келинган. Унда инсон хулқининг гўзаллигига тарғиб этувчи кўплаб манбалар мавжуд. Ҳадисларда тарбия фарзанднинг ота-онадаги ҳаққи бўлган энг яхши ҳадя экани эътироф этилади: Термизий “Саъийд ибн Осс (р.а.) дан ривоят қилган ҳадисда: “Расулulloҳ (с.а.в.): “Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши одоб ўргатишдан ортиқ ҳадя қила олмайди”, – дедилар. “Расулulloҳ (с.а.в.): “Киши фарзандини одобли этиб тарбиялаши унинг учун ҳар куни ярим соъ садақа қилишидан яхшироқдир”, – деганлар”ини Термизий ва Аҳмад ўз асарларида Жобир ибн Самура (р.а.) дан ривоят қилганлар. Ибн Можанинг Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда: “Расулulloҳ (с.а.в.): “Фарзандларингизни ҳурматланг ва уларнинг одобини гўзал қилинг”, – деганлар” .

Ўтмишда яшаб ўтган кўплаб мутафаккир ва олимларимиз ҳам таълимда тарбиянинг аҳамияти ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўзларининг бир қатор фикрларини ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Жалолиддин Румий ҳазратларининг асарларида ҳам тарбия мавзуси қаламга олинган: “Ит қанчалик тубан бўлишига қарамай, султоннинг қўлида овга боришни ўрганади. Ота-онасидан ўрганган, кўрган нарсаларини – тўғри келган ёмон

жойларда ётиб юришни, топган ўлимтигини еб кетишни унутади. Қийғир ҳам шундай: Султоннинг тарбияси остида ов санъатини ўрганади, ўлимтик ейишни бас қилади. Кўринадики, ҳатто парранда-ю ҳайвон ҳам ёмондан яхшини ажрата олапти ва иккиланмасдан ўргатилган яхшини қабул этипти. Ақл ва тамизда ҳаммадан устун бўлган инсоннинг бу хусусида сусткашлиги жуда ёмондир”, – деганлар.

Форобий эса инсоннинг маънавий ҳаётида, асосан унинг икки томонига, ақли-онгига ва ахлоқига эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия унинг фикрича, инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук, мукамал киши қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси – жамият талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган баркамол инсонни тарбиялашдир. Форобий таълим-тарбия беришни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш лозимлигини айтади.

Унинг фикрича, инсондаги хоҳиши, ихтиёрию иродасини, яхшилик ва ёмонлик каби хислатларини, нимага қобилияти борлигини аниқламай туриб болани тарбиялашга киришиш қутилган натижа бермайди.

Таълим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий ҳаракат-одат, малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашувнинг даражасига қараб юзага келади. Унинг фикрича, ҳар бир нарса унинг руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлиши керак.

Ўтган асрда яшаган мутафаккирларимиздан Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида “Зикр қилинган учта (бадан, ақлий, ахлоқий) тарбиянинг энг муҳими ахлоқий тарбия ҳисобланади. Ўзингиз хоҳлаганингизча болангизни ақлий ва бадан тарбияси билан машғул бўлишингиз мумкин ва қўлингиздан келгунча уни доно ва бақувват қилинг. Лекин ахлоқий тарбия талаб даражасида бўлмаса, ақли ҳамда жисмоний кучини ўзи ёки атрофдагиларга зарарига ишлатади. Бинобарин, боланинг ақлий ва жисмоний тарбияси самарасиз қолмаслиги учун фарзандингизнинг ахлоқий тарбияси билан жиддий шуғулланиб қўп ҳаракат қилиш лозим”, – дея бежиз келтирмаган.

Мутафаккир алломаларимизнинг фикр-мулохазаларини умумлаштириб айтиш мумкинки, тарбия таълимдаги барча яхшилик ва ютуқларнинг асосидир.

Юқорида инсон шахсининг уч фактори таъсиридан таркиб топиши ҳақида иқтибос келтиргандик, ушбу факторларнинг “Наслий йўл билан берадиган ирсий омилларнинг таъсири”ни ўзгартириш имкони йўқ даражада.



Шундай экан, “Ижтимоий муҳит” ва “Ижтимоий таълим-тарбия”нинг ижтимоий-психологик таъсирига эътибор қаратиладиган бўлди.

Ўқувчилар тарбиясидаги ҳамкорлик ишлари қамровини кенгайтириш, маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш ва Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040 сонли “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор негизида оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Қарорнинг ижроси кутилгандан зиёда самара берди. Тарғибот-ташвиқотга янгича ва тизимли ёндошилди. Наतिжада, нафақат вазифа юклатилган давлат ташкилотлари, билки ташаббускор нодавлат ташкилотлари ва хусусий сектор вакиллари ҳам бу кенг миқёсдаги хайрли ишга камарбаста бўлди. Ота-оналарда ҳам болалар тарбиясига эътибор кучайиши кузатилди.

Кечагина ёшларни тарбиясини бузилишига сабаб бўлаётган ижтимоий тармоқларда ота-онани ҳурмат қилишга, уларнинг дуоларини олиб, аниқ мақсад билан келажакка интилишга, мунтазам китоб ўқиш ва билим олишга тарғиб этувчи видеомасхулотлар тўлиб кетди. “Юксалиш”, “Нажот таълим”, “Cambridge”, “Thompson school”, “City education” каби ўнлаб хусусий таълимтарбия муассасалари тизимли ташкил этилди. Миллий кадрият, одоб-ахлоқ ва тарбияни тарғиб қилишнинг ноанъанавий услубларини улар орқали ижтимоий тармоқларга кириб келди. Нодавлат-нотижорат, хусусий ва давлат секторининг таълим-тарбияга қаратилган фаолиятида ўзаро ҳамкорлик геометрик прогрессияда ортди.

Ҳадисларнинг тарбиявий аҳамиятини ўрганиш ва ўргатиш алоҳида маҳорат билим ижодкорлик талаб этади)

Мавзулар, далиллар, аниқ мисол, турли ривоят ва ҳикоятлар воқеалар баён этилиши мақсадга мувофиқдир). Ҳадисларнинг ёшлар тарбиясидаги асосларини ўзлаштиришда замонавий педагогик технологияни педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб уларга қуйидагилар киради;

– талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга қизиқтириш.

– ўқувчи-талабаларнинг ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишни таъминлаш.

– ўқувчи талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириш.

– педагог ва ўқувчи талабанинг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини тақомиллаштириш.

Педагогик технологиянинг асосий негизи бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, жараёнида ўқувчи талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар ўзларига гуруҳга гуруҳ эса уларга баҳо бера олса ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса бизнинг фикримизча ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Талабалар қуйидаги таълим принципларини билишлари ва уни амалиётда қўллай олишлари шарт: мазмун, метод, оғзаки, вербал, ёзма тест шакллари, амалий, семинар, маъруза, лаборатория, воситалари, компьютер, киноскоп, кодоскоп, киноаппарат, видеомагнитофон, дисплей, тарқатма материал, усул, чизмалар, ёзмалар, ёзма материаллар, пед технологиялар.

Ҳар бир дарс мавзу ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор яъни бу мақсадга йўналтирилган олдиндан лойҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндр.

Жараён, ўқитувчи ўқувчи-талаба, Мақсад, мазмун, метод, шакл, восита, натижа). Мақсадни амалга ошиши ва қафолатланган натижага эришиши, ҳам ўқув ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун метод, шакл воситага яъни технологияга боғлиқ.

Ҳадисларни ёшлар таълим-тарбиясига алоқадарлигини ва аҳамиятини ўргатиш ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда асосий тушунчаларни шакллантиришдир. Тушунча – бу предмет тўпламларининг муҳим, умумий белгилари тўғрисидаги фикрдир. Тушунча ўқувчиларда предмет ва ҳақиқий олам қодисаларининг ҳиссий образлари бўлган тасаввурларни умумлаштириш асосида вужудга келади. Масалан: ҳадислар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти, маънавият, маърифат тушунчалари орқали идрок қилиш билан ўқувчилар маъно, билим, рух тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар. Бу тушунчаларнинг ранг – баранг хоссаларини эътиборга олиб, бу тасаввурларни таққослаб ўқувчи унинг умумий, муҳим хоссаларини умумлаштиради. Бу мисолдан кўринадики, тушунчаларнинг шаклланиш усулларида бири қаралаётган предметлар тўпламига мос бўлмаган ҳар хил белгиларни чиқариб ташлаб, умумий, муҳим, белгиларни сақлаб қолишдан иборатдир. Бу тушунчалар орасида боғланиш тушунчалар таърифида унинг



якин тури ва кўриниши фарқларини кўрсатиш билан ифодалаш мумкин. Масалан: тарбия, таълим, маънавият, марифат тушунчаларининг шаклланишидан ташқари фанлараро муносабатни аниқлаш ҳам муҳимдир.

Таълим жараёнини тарбия билан билим, кўникма ва малакаларни бир-бири билан ажратилган ҳолда шакллантиришга мўлжалланган ўқув фаолиятини ташкил этиш мумкин эмас. Ёшларнинг илмли, одобли ва чиройлик ҳулқли бўлмоғи аввало ёшларимизни ўзларидан кўра тарбиячиларига керакдир. Чунки фарзандлар ота-она ва бобо-бувиларга омонат қилиб берилгандир. Ҳадиси шарифда: “Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар” дейилган. (Имом Муслим ривояти). Халқимизда “Донагидан маъзи ширин” деб ўзини фарзандидан кўра невараларини кўпроқ яхши кўришади. Ҳадиси шарифдаги “Одоб беринглар” хитоби умумийдир. Нафақат ота-она балки бобо-момолар ҳамда тарбиячи ва устозларни ҳам қамраб олади. Чунки битта одоб-ахлоқлик ва таълим-тарбия кўрган етук инсон бутун халқи ва жамиятига катта манфаат келтиради.

Тарбия ҳақида Имом Ғаззолийнинг “Ихёу улумуд дин” китобида бундай дейилади. “Бола - ота-она қўлидаги омонат. Унинг қалби турли нақш ва расмлардан ҳоли. Қандай нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, (шунга) мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, саодатли бўлади. Ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берган устозлар унинг савобига шерик бўлади. Агар ёмонликка ундалса, ҳалок бўлади.” Таълим – тарбияни муҳим эканига беписанд бўлаётган кишилар огоҳ бўлингки сиз ... ўйламоқдасиз. Гўё кўпчиликнинг фарзанд тарбияси банд бўлишига ортиқча вақти йўқ эмиш. Ваҳоланки, тарбия масалалари билан ортиқча вақтда эмас, ҳар дақиқада шуғулланиш даркор. Зеро, бугун илмфан ва таълим изчил ривожланиб бораётган бир даврда ҳеч шак-шубҳасиз тарбия таълим соҳасида олиб борилиши шартдир. Қолаверса, ҳар бир педагог, тарбиячи муаллим ва устознинг таълим беришдан мақсади – келажаги порлоқ, Ватан ва эл юрт равнақиға хизмат қиладиган етук кадрларни тарбиялаш бўлар экан, бундай таълим-тарбия ўз самарасини бермай қолмайди.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолиға, ўзибўларчиликка ташлаб кўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан тарихий хотирамиздан айрилиб, охир – оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четға чиқиб қолишимиз мумкин”. Марҳум биринчи Президентимизни айтган фикрларини доимо ёдда сақлашимиз керак. Доимо ёшлар тарбиясида инсоният учун намуна бўлган Пайҳамбаримиз саллолоҳу алайҳи васаллам ҳаётларидан мисоллар келтириб ибрат олишини

ўргатмоғимиз даркор. Расулulloҳ (саллолоҳу алайҳи васаллам) сафарларидан бирида кўй сўйиб таом ҳозирлашга буюрдилар. Шунда бир киши “Мен кўйни сўяман” деди. Бирови “Мен терисини ажратаман” деди, яна бирлари “Мен таом пишираман” деди. Расулulloҳ (саллолоҳу алайҳи васаллам): “Мен ўтин териб келаман” дедилар. Улар: “Сиз кўяверинг, ўзимиз кифоя қиламиз” дейишди. “Кифоя қилишингизни биламан, лекин сизлардан ажралиб туришни истамайман. Зеро, Аллоҳ таоло бандасини шериклари ичида ажралиб, кўзга ташланиб туришни ёқтирмайди” дедилар. Сўнг туриб, ўтин териб келдилар. Мана шу сингари ҳадиси шарифларда зикр қилинган одобга доир масалаларни фарзандларимиз қалбига сингдириш билан жамиятда тенглик вужудга келади. Баъзи ўринларда “Бир ишчига минг бошчи” деган нотўғри фикрлар мутлақо Набавий ҳулқни зидди эканини ёшларимизга тушунтиришимиз керак. Чиройли таълим – тарбия ва одоб – ахлоқли қилиб тарбиялаш ота-оналарнинг бурчидир. Бу ҳақда Пайҳамбаримиз (с.а.в): “Ота ўз боласига чиройли одобдан кўра яхшироқ нарса бера олмайди.” деганлар (Имом Термизий ривояти). Демак, ота-она ва ёшлар тарбиясига масъул бўлган шахслар ёш авлодни ростўйлик, вадасига вафо, омонатдорлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ўзгаларга меҳр-оқибатли юўлиш каби фазилатлар соҳиби қилиб вояга етказишга катта аҳамият қаратиши керак.

Таълим-тарбия ва илм-фан тараққиёти ҳар қандай мамлакатнинг эртанги кунини, истиқболини белгилаб берувчи асосий мезондир. Юртимизда бу соҳада туб бурилишларга эришилмоқда. Мазкур йўналишдаги барча саъй-ҳаракатлар таълим сифати ҳамда илм-фан самарадорлигини таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятли. Жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар тайёрлаш ўқитиш тизимининг ташкил этилганига боғлиқ. Шу боис, таълим соҳасининг барча босқичини ислоҳ қилиш, халқаро андоза ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган эзгу ғояси ҳамда узлуксиз таълим тизимида ишлаётган мураббийлар, педагоглар, профессор-ўқитувчилар, умуман, зиёлилар янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устун сифатида кўрилаётгани бунинг яққол ифодасидир. Шунинг учун узлуксиз таълим тизимининг барча босқичида зарурий ислоҳотлар кечмоқда. Яқин йилларда мактабгача таълим ташкилотлари сони 5 мингдан 29 мингга оширилиб, тарбияланувчилар камрови 24 фоиздан 70 фоизга етказилди. Умумий ўрта таълим 11 йиллик қилинди. 9-синф битирувчилари учун профессионал касб-ҳунар таълими муассасалари ва техникумлар ташкил қилинди. Олий



таълимга қабул жараёнида учраётган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида қабул механизмида ҳам тегишли ислохотлар ўтказилди. Хусусан, мактаб битирувчилари учун кириш тест имтиҳонида бир-бирига яқин бўлган бирйўла 5 та йўналишли олий таълим муассасасини танлаш имконияти яратилди. Олий таълимга қамров қисқа муддатда 9 фоиздан 38 фоизга кўтарилди. Натижада олий таълим муассасалари сони 77 тадан 210 тага етди. Бакалавриятга қабул квоталари 5 баробар, магистратурага 8 баробар, докторантурага 10 баробар ошди. Шунингдек, тўлов-шартнома асосида қабул квоталарига қўшимча абитуриент қабул қилиш механизми ишлаб чиқилиб, тизимда шу пайтгача учраган коррупцион омиллар йўқ қилинди.

Олий таълимда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг маоши бир неча баробар оширилиб, ўқув юкмаси камайтирилди. Илмий даражалар берувчи кенгашлар қўпайтирилиб, илмий даража ва унвонлар бериш тартиби соддалаштирилди. Жаҳон тажрибаси асосида олий таълим муассасаларининг 40 тасига академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллик берилди. Олий таълимни оптималлаштириш орқали сифат даражасини ошириш, ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув юкмасини камайтириш орқали фанларни яхши ўзлаштиришига кенг йўл очилди. Мамлакатимизда замон талабларига мос педагог кадрлар тайёрлаш, соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, педагогика соҳасида таълим ва тарбия, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини, шунингдек уларнинг онгига тарбиясига ҳадислардаги тарбиявий аҳамиятга молик жиҳатларни сингдиришни таъминлаш учун олдимизда қатор вазифалар турибди.

Биринчидан, абитуриентларни педагогик ОТМларга қабул қилиш тизimini такомиллаштириш зарурати мавжуд. Амалда ёшларнинг педагогик касбига қизиқиши ва мойиллиги ўрганилмагани сабабли таълим олиш ва меҳнат фаолияти даврида ўқитувчилик билан шуғулланишни истамайдиган талабалар учрамоқда. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбарининг “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида дастлабки механизмлар белгилаб берилган. Унга кўра, 2024/2025 ўқув йилида тажриба-синов тариқасида университетнинг педагогика таълим йўналишларига (алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бундан мустасно) қабул жараёнини икки босқичда, жумладан, биринчи босқичда - дастлабки имтиҳон шакли, иккинчи босқичда - кириш тест синовлари орқали амалга ошириш белгиланган. Дастлабки имтиҳонларда аниқ педагогик вазиятларга ечим топиш орқали талабгорларнинг касбий мойиллиги ўрганиш ҳамда ижобий баҳо олган абитуриентларнинг тест синовларига қатнашишига рухсат этиш механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Педагог

кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи таълим йўналишлари хусусияти ва талабидан келиб чиқиб, қабул чегарасини 130 баллдан кам бўлмаган ҳолатда этиб белгилаш ва шундан кам балл тўплаган абитуриентларни оширилган тўлов-шартнома билан ҳам ўқишга қабул қилмаслик бўйича аниқ механизмларини ҳаётга татбиқ этиш зарур.

Иккинчидан, педагогика ўғил-қизларни умумий ўрта мактабнинг куйи синфларидан бошлаб йўналтириш ва мақсадли тайёрлаш, шунингдек, мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида бажарилаётган илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини тажриба-синовдан ўтказиш учун университет ҳузурида мактабгача ва умумтаълим муассасалари, педагогик коллежлар мавжуд эмас. Шу боис, педагогик кластер ташкил этиш мақсадида ОТМга камида биттадан мактабгача таълим ташкилоти, умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Тошкент шаҳридаги педагогика коллежи бириктирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Педагогик кластерга бириктирилган таълим муассасалари ўқувчиларини соҳага мақсадли йўналтириш, ўқув даргоҳларида иқтидорли талабаларнинг курс лойиҳалари, битирув-малакавий ишлари, магистрлик ҳамда докторлик диссертациялари бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Учинчидан, мактабгача ва мактаб таълими учун кадрлар тайёрловчи ОТМларнинг ўзаро ҳамкорлигини етарли даражада йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Педагог кадрлар тайёрловчи бошқа олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи алоҳида тизимга зарурат сезилмоқда. Ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва бошқа соҳаларда тажриба алмашиш, ишлаб чиқиладиган ва амалда фойдаланиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи маслаҳат кенгашлари ишини йўлга қўйиш, шунингдек, нодавлат ОТМларда педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, соҳанинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда педагогика ОТМлари учун ўқитишнинг кредит-модул тизимини ишлаб чиқиш, тизимнинг мослашувчанлиги ва самарадорлигига эришиш зарур. Шунингдек, педагогика таълим йўналишида ўқитишнинг сиртки ва масофавий шаклларида кадрлар тайёрлашни тўхтатиш зарур. Мазкур ўқитиш шакллари юқори назарий билим, амалий кўникма ва малака, компетенциялар, педагогик маҳоратни шакллантиришга тўлиқ имкон бермайди. Педагогик компетентлик даражаси етарли бўлмаган, фанини чуқур билмайдиган ўқитувчилар таълим сифатини кўтаришга эмас, пасайтиришга хизмат қилади.

Бешинчидан, сўнгги вақтларда ОТМларда профессор-ўқитувчилар билан муддатли меҳнат шартномаларини тузиш оммалашмоқда. Бу педагогика олий таълим муассалари учун жиддий хатарни юзага келтирмоқда.



Сабаби, бўлғуси муаллим ўқишнинг дастлабки босқичидан то битиргунича устоз-шогирд тизимида таҳсил олиб, амалиёт ўташи, юқори малакали профессор-ўқитувчилар қўлида шаклланиши лозим. Шу боис, педагогика ОТМлари учун танлов асосида профессор-ўқитувчининг 5 йиллик шартнома бўйича фаолият юритиши масаласини ўз кучида қолдириш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш тизимини либераллаштириш лозим. Эҳтиёжга кўра, меҳнат таътили вақтида уларнинг мустақил малакасини ошириш шаклини йўлга қўйиш самара бериши мумкин. Бу орқали ўқув йили давомида ўқитувчиларни ортиқча юкламадан халос қилиш мумкин.

Педагогик таълим ва ҳадислардаги тарбиявий усуллар бир вақтнинг ўзида уйғун тарзда ислоҳ қилиб борилса, сифатли ўқитишга эришилади. Бунинг учун яхлит ўқув-тарбия жараёнининг барча таркибий қисмлари янгиланган бўлиши ва мониторинг жараёни тизимли амалга оширилиши лозим. Мамлакат тараққиёти кафолати бўлмиш азму шижоатли ёшларнинг юқори билим ва малакага эга, рақобатдош етук кадрлар бўлиб етишиши учун амалга оширилаётган барча янгиланишлар биз, соҳа ходимларига қўшимча куч ва ғайрат бағишлайди. Айни чоғда зиммамизга улкан вазифаларни ҳам юклайди. Ана шу залворли вазифалар ижросида камарбаста бўлиш, сидқидилдан меҳнат қилиш фаолиятининг асосий мезони таълим-тарбия бўлган ҳар бир инсон учун ҳам муҳим омил.

#### Адабиётлар:

1. Болибеков А. "Мактаб адабий таълимий орқали ўқувчилар ахлоқини такомиллаштиришда ҳадислардан фойдаланиш йўллари". Тошкент-2007.
2. Асқарова О Ё. М., Ҳайитбоев М., Нишонов М. S. Педагогика. Тошкент. 2008.
3. Мавлонова Р., Воҳидова Н., Раҳмонқулова Н. Педагогика назарияси ва тарихи. Тошкент. 2010.
4. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х. А., Асқаров И. Ш. Педагогика. Тошкент. 2016.
5. Мавлонова Р., Матназарова К. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти. Тошкент. 2013.
6. Акрамова Ф.А., Лутфуллаева Н.Х., Хайдарова Х. "Педагогик психология" фани (маърузалар матни). Т.: ДДИУ, 2005 – Б 201.
7. Ж. Румий. Ичингдаги ичингдадур. – Т.: 2016. Янги Аср Авлоди, 272. – Б 75.
8. Зуннунов А. Педагогика тарихи. Тошкент. 2001. – Б 41.
9. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Т.: 2006. – Б 336.